

АЛЬТЕРНАТИВ МАТЕРИАЛЛАРДАН ҚОҒОЗ ОЛИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Алимова Д.А.

PhD, доцент Д.А.Алимова

*Тошкент түқимачилик ва енгил саноат институти,
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри*

ada.alimova87@mail.ru

Аннотация. Мазкур мақола тахлилий кўринишга эга бўлиб, қишлоқ хўжалик чиқиндилари, ёғоч бўлмаган ва бир йиллик ўсимликлардан целлюлоза-қоғоз саноатида толали ярим тайёр маҳсулот сифатида фойдаланиш имкониятлари адабиётлар тахлили асосида ўрганилган. Дунё олимлари томонидан олиб борилган илмий тадқиқот ишлари кўриб чиқилган. Қоғоз саноатида хом ашё сифатида альтернатив материаллардан фойдаланиш имконияти мавжудлиги тахлил қилинган.

Калит сўзлар: пахта, ёғоч, сомон, қизилмия, каноп, бамбук, макулатура, целлюлоза, гемицеллюлоза, қоғоз.

Кириш: Жаҳонда ишлаб чиқариладиган санитар гигиеник қоғоз турларининг ҳажми барқарор сақланиб келинмоқда, қалин қоғоз ишлаб чиқариш эса 2019 йилда 57%-га ортган, аммо ёзув ва босма қоғоз турларини ишлаб чиқариш ҳажми айнан шу даврда 26%-га камайган. “Allianz Research. How paper and board are back on track” да хабар берилишича бу ҳолат 2024 йилда хам сақланиб қолади ва барча турдаги қалин қоғознинг ҳажми 63%-га ортади. Таққослаш мақсадида ишлаб чиқариладиган қоғознинг 17%-ини санитар-гигиеник ва 20%-ини ёзув-босма қоғозлар ташкил этишини кўришимиз мумкин. Бу ҳолат жаҳонда нефт ва газ нархини ортиши ҳисобига ўрам-қадоқлаш маҳсулотлари учун пластмассага нисбатан қалин қоғозга бўлган талабни юқори бўлиши билан боғлиқдир [1].

Аммо қоғоз ва қоғоз маҳсулотларига бўлган талабни ортиши мавжуд ёғоч захираларини этишмовчилигига олиб келиши мумкин. Бу этишмовчиликни бир қадар қоплаш мақсадида қоғоз турларини ишлаб чиқаришда ёғоч бўлмаган ўсимликлардан фойдаланишнинг самарали технологияларини таклиф этиш зарур ҳисобланади. Ёғоч бўлмаган ўсимликларни қоғоз саноатида қўллаш целлюлоза олишнинг экологик ҳавфсиз альтернатив технологияларини ишлаб чиқиш имконини беради.

Асосий қисим. Қоғоз ишлаб чиқаришда эски латта-путталардан фойдаланилган, лекин бу хом ашёни бошқа мақсадларда қўллаш афзал бўлганлиги сабабли олимлар томонидан зифир, каноп, пахта, сомон, қамиш ва

бошқа ўсимликлардан қоғоз саноатида фойдаланиш чуқур ўрганилган ва бу соҳадаги биринчи илмий иш натижалари 1768 йилларда нашр этилган. Ўша вақтлардаёқ юқорида кўрсатилган хом ашёларни қоғоз хоссаларига таъсири, яъни толанинг узунлиги, пишиқлиги ва ундаги целлюлоза миқдори ўрганилиб, қоғоз турларини ишлаб чиқаришда хом ашёни танлаб олиш бўйича илмий асосланган кўрсатмалар берилган.

Бунга сабаб қишлоқ хўжалик чиқиндалари заҳираси дунё бўйича йилига 998 млн.т. ни ташкил этиб, унинг 10%-идан фойдаланилганда хам йилига қоғоз ва қалин қоғоз ишлаб чиқариш учун 99,8 млн.т толали ярим тайёр маҳсулот олиш мумкин [2]. Бир йиллик ва ёғоч бўлмаган ўсимликлардан целлюлоза ва ярим целлюлоза ишлаб чиқариш учун натрон ва сульфат қайнатиш усуллари таклиф этилган . Ёғоч бўлмаган хом ашёдан олинган толали ярим тайёр маҳсулотлар ёзув , босма, сигарет , қадоқлаш , фильтрловчи , ўрам , санитар-гигиеник , қутилар учун қоғоз ва қалин қоғоз, шунингдек кимё саноатида микрокристаллик целлюлоза ва целлюлоза эфирлари ишлаб чиқаришда кенг қўлланилади.

Кейинги йилларда Республикаизда қоғоз ассортименти номенклатурасини кенгайтириш, маҳсулот турларини маҳаллийлаштириш борасида ҳукуматимиз томонидан қатор вазифалар қўйилмоқда. Республикаизнинг турли худудларида целлюлоза-қоғоз саноатини ривожлантириш борасида кег қамровли чора-тадбирап амалга оширилмоқда, яъни саноат салоҳиятини янада кенгайтириш, мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш, аҳолининг бандлиги ва даромадларини ошириш асосида қатор вилоятларда қоғоз турларини ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш белгилаб берилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 июндаги “Худудларнинг саноат салоҳиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғриси” даги ПФ-6244-сон фармонида бир қатор ишлаб чиқариш тармоқларини, жумладан қоғоз саноатини жадал ривожлантиришга кўмаклашувчи яхлит тизимни яратиш вазифаси белгилаб берилган.

Бир йиллик ўсимликлардан целлюлоза ва қоғоз олиш учун толали хомашё мамлакатимизда етарли ҳисобланади. Булар жумласига, қизилмия [3], тапинамбур [4], амаранда [5], юка [6], ғўзапоя, шоли поя, буғдой сомонини киритиш мумкин. Булар қишлоқ хўжалик чиқиндилари ҳисобланади. Пояларнинг бир қисми чорва моллар учун озуқа сифатида фойдаланилади, қолган қисми деярли ишлатилмайди. Бир йиллик ўсимлик поялари аслида кимё ва целлюлоза-қоғоз ишлаб чиқариш учун асосий толали хомашё ҳисобланади. Чет элларда бу ўсимликлардан целлюлоза ишлаб чиқаришда кенг фойдаланилади.

Қоғоз ва қалин қоғоз ишлб чиқаришда ёғоч бўлмаган хом ашёларни ишлатилиши иқтисодий томондан самарадор ва экологик хавфсиз технологиялардан ҳисобланади. Қоғоз турларини ишлаб чиқаришда қўлланиладиган ўсимликларнинг 44,40%-ни сомон, 14,30%-ини қамиш, 21,40% -ини бамбук ва 14,30%-ини шакар қамиш, яъни асосий маҳсулот ажратиб олингандан кейинги қолган юмшоқ чиқиндиси ва 5,60%-ни бошқа бир йиллик ёки ёғоч бўлмаган ўсимликлар ташкил этади [7].

Ёғоч бўлмаган ўсимликлар қаторида қишлоқ хўжалик чиқиндиларидан цеплюзоза олиш бўйича қатор тадқиқотлар олиб борилган. Жаҳонда йилига 2 млр. т. миқдорда қишлоқ хўжалик, жумладан маккажўҳори пояси, гуруч сомони, шакар қамиш ва буғдой сомони кўринишида чиқиндилар ҳосил бўлади. Ўрмон хўжалик чиқиндилари эса йилига 0,2 млрд m^3 ни ташкил этади [8]. Ҳозирги кунда жараёнларнинг берк тизимларини қўллаган ҳолда цеплюзоза олишнинг алтернатив усулларини яратиш борасида тадқиқотлар жадал суръатларда олиб борилмоқда. Тадқиқотларда буғдой сомонини ишқорий (1,3-19,7% ўювчи ишқор, 0-0,7% антрахинон, қайнатиш ҳарорати $114^{\circ}C$) қайнатишда уларни сульфат усулда қайнатгандигига нисбатан цеплюзозанинг чиқиши миқдори 4-5% га юқорилиги, кристаллик дараждаси 2-3% га кам бўлиши, қайнатиш ҳарорати $15-40^{\circ}C$ га пастлиги ва ундан олинадаиган қоғознинг пишиқлигини 8-12% га юқори бўлиши аниқланган. Шунингдек сомондан натрон усулда, икки босқичли кислород ишқорий усулда, қайнатиш-оқартириш жараёнлари бирлаштирилган, сульфатли, нейтрал-сульфатли ва органосольват-оксидловчили усулларда цеплюзоза олиш ва ундан қоғоз турларини ишлаб чиқаришда фойдаланиш мумкин. Органосальват-оксидловчили усул экологик муҳитга таъсири бўйича истиқболли ҳисобланиб, бунда цеплюзозанинг ҳосил бўлиш миқдори хам бошқа усулдагиларга нисбатан юқоридир. Органо-сольват усулда қанатиш жараёнида ҳосил бўладиган персирка кислота бир йиллик ўсимликлар таркибидаги лигнинни парчалайди, уни эрувчан ҳолатга ўтказади, аммо ўсимлик таркибидаги полисахаридларга таъсир этмайди, яъни лигнинсизлантириш жараёни селектив ҳолатда амалга ошади.

Ёғоч бўлмаган ўсимликлардан олинган цеплюзоза таркибида гемицеплюзоза ва пентозонларнинг миқдорини кўплиги уларни ўзаро бирикиш кучини юқори бўлишига сабаб ҳисобланади. Пахта ва ёғоч цеплюзозасига нисбатан сомон цеплюзозаси адгезиясининг бир қадар юқорилиги бу толаларнинг шаклига эмас, балким сомон цеплюзозаси таркибидаги пентозанлар миқдорининг юқорилиги билан боғлиқдир [9]. Буғдой сомони осон янчилиш хусусиятига эга ва бунда янчиш даражаси тезда ошади. Сомон цеплюзозаси толалари ҳали янчилмай туриб, етарли даражада юқори янчиш даражаси $30^{\circ}C$ ли массани ҳосил қиласди. Асосан, бу турдаги цеплюзоза бошқа турдаги

целлюлоза билан 15 дан 60% гача бўлган композицияда қўлланилади [10]. Қалин қоғоз ишлаб чиқаришда икки шнекли экструдерда 60⁰C ҳароратда 0,5% NaOH ва 0,5% H₂SO₄, ҳамда 0,5% мочевина ва 1,3% NaOH нинг сувли эритмасида ишлов бериш орқали олинган целлюлозага мочевинаформалъдегид смоласини аралаштириб олинган ярим тайёр маҳсулотни қўллаш орқали бир қатор ижобий натижаларга эришилган [11].

Целлюлоза-қоғоз саноатида зигирдан фойдаланишга хам алоҳида эътибор қаратилган. Зигирдан натрон усулда ярим целлюлоза массаси ишлаб чиқариш технологияси яратилган. Кўп йиллик ўсимликларни толали ярим тайёр маҳсулотларга айлантириш муаммолари ҳамда зигирдан таркибида юқори миқдорда ҳамда α-целлюлоза бўлган маҳсулот олиш имкониятлари [12] ишда кўрсатилган. Зигирнинг ўрта қисмидаги тола узунлигини 0,5-0,6 мм, диаметри 20 мкм, девор қалинлиги 3-3,5 мкм эканлиги аниқланган. Ўсимликнинг устки қисмидаги толаларнинг узунлиги эса 20-28 мм га teng бўлиб, кимёвий таркиби 35-40% целлюлоза, 20-30% лигнин, 20-30% гемицеллюлоза ва 9-10% экстракцияланадиган моддалардан ташкил топган.

Ёғоч бўлмаган Сорановский туридаги мисканусга натрий гидроксид ва азот кислотаси билан ишлов бериш орқали олинган целлюлозадан лаборатория шароитида олинган қоғоз намуналарининг мустаҳкамлик кўрсаткичлари баҳоланиб, уни санитар-гиеник қоғоз учун ишлатиш имкониятлари кўрсатилган [13]. Ёғоч бўлмаган ўсимликларни қоғоз саноатида қўллаш уларнинг таркиби боғлиқ бўлиб, олимлар томонидан Туниснинг қуруқ туманларида ўсадиган *Stipagrostis pungens* бир йиллик доривор, баланд бўлмаган ўсимликнинг кимёвий таркиби ўрганилган. Тажрибалар натижасида ўсимлик таркибида кўп миқдорда экстракциялановчи моддадлар, лигнин 12 % гача, полисахаридлар 71 % гача, α- целлюлоза 44%, кул миқдори 4,65% гача борлиги аниқланган. *Stipagrostis pungens* ўсимлигидан Натрон-антрахинон қайнатиш усули орқали масулот чиқими 43% дан атрофида хосил бўладиган лигноцеллюлоза толалари олинган. Лаборатория Rapid Khöten қоғоз шакллантириш қурилмасида юза зичлиги 60 г/м² бўлган қоғоз намуналари шакллантирилиб, унинг физик-механик хусусиятлари тахлил қилинган. Тажриба натижалари бўйича олинган қоғознинг механик хоссаларини юқорилиги *Stipagrostis pungens* ўсимлигидан қоғоз ишлаб чиқаришда ёғоч целлюлозасига альтернатив материал сифатида фойдаланиш мумкинлиги хulosha қилинган [14].

Маълумки қоғоз саноатининг асосий хом ашёси ҳисобланган целлюлоза асосан сульфат ва сульфит усулларда ишлаб чиқарилади. Ҳар иккала усул хам экологияга жиддий заарар етказишини инобатга олган ҳолда табиий хом ашёлардан целлюлоза олишнинг бир қадар хавсиз технологияларини яратиш

муҳим вазифалардан ҳисобланади. Оганосольват усулда каноп ва шакар қамиш поялридан олинган целлюлозани хлорсиз оқартириш орқали улардан гофрланган қалин қоғознинг силлиқ ва гофрланадиган қатламларини ишлаб чиқаришда қўллаш юқоридаги муаммоларни ечишда асосий йўналишлардан биридир. Тадқиқотларда оғирлиги $175 \text{ г}/\text{м}^2$ бўлган қалин қоғоз ва $125 \text{ г}/\text{м}^2$ ли гофрланадиган қоғоз тайёрлаш учун ёғоч бўлмаган ўсимликлардан олинган оқартирилмаган органосольват целлюлоза ва МС-5Б маркадаги мақулатурадан композиция ташкил этилган. Бунда толали ярим тайёр маҳсулотларнинг янчиш даражаси 35 ± 2 °ШР га teng бўлиб, массага нисбатан қалин қоғоз учун 2,5% ва гофрланадиган қоғоз учун 1,5% миқдорда канифоль елими ишлатилинган. Қоғозлар таҳлили уларни сульфат ёғоч целлюлозасидан олинган шу турдаги маҳсулотлар сифатига мос келиши аниқланган [15].

Бамбук ва акация целлюлозасидан мустаҳкам бўлмасада, аммо қайишқоқ ва чўзилувчан қоғоз турларини ишлаб чиқаришда фойдаланиш мумкин. Бунга сабаб сульфат усулда олинган бамбук ва акация целлюлозаларининг структуро-морфологик хоссалари япроқли ва игнабаргли дараҳт наваридан олинган сульфат целлюлоза хоссаларидан фарқ қиласди, яъни толалар узунлиги бир қадар калта ва кенглиги хам камроқдир. Калта толали массадан қоғоз шакллантиришда қоғознинг юзасида майда толаларнинг узилиб ёки титилиб чиқиши, бунинг натижасида қоғознинг чангланишини ортиши кузатилади. Эвкалип асосидаги целлюлозадан олиган қоғозга гул босилганда толаларни қоғоз юзасидан чиқиб, титилиб кетмаслиги учун КМЦ билан ишлов берилган. Бу қоғозларга лаборатория шароитида гул босилганда толаларнинг титилиши сезиларли даражада камайганлиги аниқланган. КМЦ билан ишлов берилганда толаларнинг юзасида пардасифат структура хосил бўлиши ва бунда толалараро боғланишларни мустаҳкамланиши кўрсатилган [16].

Япония олимлари томонидан антибактериал қоғоз ишлаб чиқариш технологияси яратилган. Тажрибалар учун 60% кўк чой баргларидан олинган қоғоз ишлатилган. Қоғозга ксионон лампанинг нурлари билан ишлов берилган. Нурланиш давомийлиги 1-200 соатни ташкил этади. Ультрабинафша нурлар миқдори 365 мм да $6,67 \cdot 10^6 \text{ Дж}/\text{м}^2$ га teng. Юқори сифатли антибактериал қоғоз ишлаб чиқаришнинг оптималь нурланиш шароити таклиф этилган [17]. Шунингдек озиқ-овқат маҳсулотларини қадоқлашда хам бактерицид қоғоз турларидан фойдаланиш мумкин. Бу борада целлюлоза ва каллоген хосиллари бўлган табиий полимерларнинг бактерицид ва фунгицит кўрсаткичларига кумуш наноқисмларнинг таъсири ўрганилган. Кумуш эритмасида ишлов берилган материал структурасига ўзгариш, яъни микротолаларнинг жойлашиш ва зичлашиши аниқланган. Бу янги турдаги қадоқлаш материали юқори бактерицид

хусусиятга эга бўлиб, токсик ҳисобланмайди, инсон организми ва атроф муҳитга зарар этказмайди [18].

Ўрмон хўжалиги бўлмаган давлатлар каби Республикаизда хам ёғоч бўлмаган кўп йиллик ўсимликлардан, қишлоқ хўжалик ва ишлаб чиқариш чиқиндиларидан самарали фойдаланиб, маҳаллий целялюзоза-қоғоз саноатини ривожлантириш мухим аҳамият касб этади. Бу борада фармацевтика саноатининг қизилмия илдизи чиқиндисидан целялюзоза-қоғоз саноатида фойдаланиш мухим аҳамиятга эгадир.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 февралдаги “Қизилмия ва бошқа доривор ўсимликларни етиштириш ҳамда саноат усулида қайта ишлашни самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғриси”даги 138-сон қарорининг 2-сон иловасида 2019-2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасида қизилмия ўсимлигининг янги плантацияларини ташкил этиш бўйича прогноз кўрсаткичлари келтирилган бўлиб, унга асосан йилига 25000 гектар майдонда қизилмия ўсимлигини етиштириш белгилаб берилган. Республикаизнинг бир қатор корхоналарда қизил мия ўсимлигининг илдизидан доривор сироп олиниб, бу корхоналарда йилига катта микдорда қизил мия илдизи чиқиндиси ҳосил бўлади. Албатта, бу хомашёдан целялюзоза, яримцелялюзоза ва механик масса олиш, ҳамда улар композициясидан турли мақсадларда қўлланишга мўлжалланган қоғоз турларини шакллантириш технологияларини ишлаб чиқариш имконини яратади.

Қизилмия ўсимлиги, жумладан унинг илдизини кенг қамровли тадқиқ қилинишига қарамасдан, чиқиндиси ҳозирги кунгача чуқур ўрганилмаган, ишлаб чиқариш шароитларида ўз тадбиғини топмаган. Чиқиндидан ўғит ва турли замбуруғлар учун озуқа манбаи сифатида фойдаланиш бўйича илмий тадқиқот натижалари чоп этилган. Аммо бу чиқиндини кимёвий қайта ишлашни нисбатан енгиллиги, ўта арzonлиги ва 25-32 %-ини целялюзоза ташкил этиши [19] уни целялюзоза-қоғоз саноатида толали хом ашё рўйҳатига киритиш имкониятини беради. Толали хом ашёдан целялюзозали ярим тайёр маҳсулот олиш жараёнларининг ичида асосий босқич қайнатиш ҳисобланади. Қайнатиш давомида тўқимадан лигнин ва гемицелялюзоза чиқади, целялюзоза эса деярли ўзгармаган ҳолда қолади. Қайнатиш жараёнининг технологиясини ишлаб чиқиш учун жараёнга таъсир этувчи омиллар ўрганилган [20]. Қайнатиш жараёнининг давомийлиги, олиб бориш ҳарорати ва кимёвий реагентлар концентрациясини олинадиган целялюзозанинг сифат кўрсаткичларга таъсири бўйича олиб борилган тажриба натижалари бўйича жараённи $150-160^{\circ}\text{C}$ ҳароратда 120 дақиқа давомида модули 1:10 га teng бўлган ўювчи ишқор (60 г/л) эритмасиа олиб бориш таклиф этилган. Ҳосил бўлган целялюзоза сарғиш-жигар рангда бўлиб, уни майший қоғоз турларини ишлаб чиқаришда қўллаш учун оқартириш жараёни ўрганилган.

Тадқиқотларда водород пероксид ва натрий гипохлорит эритмаларида бир ва икки босқичли усулларда қизилмия илдизи целлюлозасини оқартириш жараёнига таъсир этувчи омиллар ўрганилган. Таклиф этилган технология бўйича 60-70% оқлик даражасигагача оқартирилган қизилмия илдизи целлюлозасини олиш мумкинлиги кўрсатилган [21]. Қизилмия илдизи целлюлозасини қофоз композициясида қўллаш имкониятлари [22] ишда ўрганилган бўлиб, унда ёзув қофоз турларини ишлаб чиқаришда композиция 25% оқартирилган қизилмия илдизи целлюлозасини киритиш орқали стандарт талабларига мас келувчи маҳсулот олиш мумкинлиги тадқиқот натижалари бўйича хулоса қилинган. Шунингдек янги таклиф этилган целлюлоза қўшилган қофоз намуналарнинг босма хоссаларининг пахта целлюлозасидан олинган қофоз намуналарига нисбатан ижоффий томонга ўзгарганлиги [23] ишда маълум қилинган. Таркиби МС-1 маркадаги макулатура, оқартирилган пахта ва қизилмия илдизи целлюлозаларидан ташкил топган композиция асосидаги қофоз намуналарининг сифат қўрсаткичлари, жумладан оқлик даражаси, узилиш узунлиги, силлиқлиги ўрганилган. Тадқиқот натижалари бўйича босма қофоз турларини ишлаб чиқаришда композицияга 25%-гача қизилмия илдизи целлюлозасини киритиш мумкинлиги таъкидланган.

Хулоса: Таҳлили қилинган адаюбиётлар целлюлоза- қофоз саноатида ёғочга алтернатив бўлган ўсимликларини қўллаш истиқболларига алоҳида ахамият берилганлигини кўришимиз мумкун. Таҳлиллар толали ярим тайёр маҳсулот сифатида бир йиллик ва кўп йиллик ўтсимон ўсимликлардан, ўрмон хўжалик чиқиндилари ва тўқимачилик чиқиндиларини қофоз турларини ишлаб чиқаришда қўллаш имкониятларини ўрганиш устида илмий изланишлар олиб борилаётганлигини кўрсатди. Ўрганилган манбааларда ёғоч целлюлозасини ўрнини босувчи хом ашёлар турларидан нафақат қалин қофоз ишлаб чиқаришда, балки босма ва ёзув қофоз турларини, майший – гигеник қофоз турларини хам ишлаб чиқаришда қўллаш мумкинлиги кўрсатилган. Адабиётлар таҳлилидан ўрмон хўжалиги бўлмаган мамлакатларда мавжуд ўсимлик турлари ва ишлаб чиқариш чиқиндиларидан толали ярим тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш орқали нафақат қофоз ва қофоз маҳсулоти турларини маҳаллийлаштириш, балки мамлакатда атроф-муҳитни хам сақлаш имконини пайдо бўлишини кўришимиз мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.

1. Allianz Research. How paper and board are back on track. Euler Hermes. 05 November 2021. 11 с.
2. Obi F. O., Ugwuishiwu B. O., Nwakaire J. N. Agricultural waste concept, generation, utilization and management // Nigerian Journal of Technology (NIJOTECH). Vol. 35, No. 4, October 2016, pp. 957 – 964.

3. Галимова З.К, Бабаханова Х.А, Набиев Д.С. Характеристики и печатные свойства бумаги на основе хлопковой и солодковой целлюлозы // Вестник молодых ученых Санкт-Петербургского Государственного Университета технологии и дизайна. Выпуск №1 – С.94-97
4. М.М.Муродоа, Э.А.Эгамбердиев, Г.Р.Рахмонбердиев. “Тапинамбур ўсимлиги “Файз-Барака” ва “Мўжиза” навлари пояларидан целлюлоза олиш жараёнини ўрганиш. Композицион материаллар илмий техникавий ва амалий журнали. Тошкент 2012 йил. №2 59-63 б
5. М.Ш.Хасанова , Б.Б.Каримов. Қоғоз саноати учун хомашё олишда доривор ўсимликлардан фойдаланиш. [электрон ресурс]. <https://referat.uz/texnika-va-texnologiyalar/24083-qogoz-sanoati-uchun-khomashio-.html>
6. Шеримбетов И.У., Набиева И.А. Қадоқлаш–ўрам қоғоз турларини ишлаб чиқаришда маҳаллий хом ашёлардан фойдаланиш имкониятларини ўрганиш “Магистратура талабаларининг илмий мақолалар тўплами” Тошкент. ТТЕСИ 2021 й. 421-423-бет
7. Zhong Liu, Huimei Wang, Lanfeng Hui. Pulping and Papermaking of Non-Wood Fibers. <http://dx.doi.org/10.5772/intechopen.79017>
8. Mohammad J. Taherzadeh, Kim Bolton, Jonathan Wong and etc. Sustainable Resource Recovery and Zero Waste Approaches. Chapter 1 - Agricultural, Industrial, Municipal, and Forest Wastes: An Overview. Elsevier. 2019, Pages 1-22.
9. Pratima Bajpai. Nonwood Plant Fibers for Pulp and Paper. Elsevier, 2021. 248 с.
10. Мирзаева М.Б., Бабаханова Х.А. Влияние процесса размола бумажной массы на механическую прочность бумаг. // Проблемы текстиля, 2012. -№2. С.52-55.
11. Вураско А.В., Галимова А.Р., Дрикер Б.Н., Мозырева Е.А., Земнухова Л.А. Ресурсосберегающая технология получения целлюлозных материалов //мат. IV Всероссийская научн. Конф. “химия и технология растительных веществ” // . – Сыктывкар, 2006 г. -с. 33.
12. Б. А. Левданикский, А. В. Левданикский, Б. Н. Кузнецов Способ получения из льна целлюлозного продукта с высоким содержанием альфа-целлюлозы // Journal of Siberian Federal University. Chemistry. – 2014. – № 1. – Р. 63–70.
13. Гисматулина Ю. А., Севастьянова Ю. В., Будаева В. В., Золотухин В. Н. Целлюлоза из российского мискантуса для особых сортов бумаги //Физикохимия растительных полимеров [[Электронный ресурс]] : Материалы 6 Международной конференции, Архангельск, 22-15 июня, 2015. - Архангельск, 2015. - С. 92-96
14. F. Fatan, D. Satyajit. Paper from Stipagrostis pungens. Industrial Crops and Products. Volume 59. 2014. p. 109–114

- 15.Барбаш В. А., Трембус И. В., Оксентюк Н. Н. Бумага и картон из стеблей кенафа и сорго сахарного // Химия растительного сырья. 2014. №4. С.271-278.
- 16.Rakkolainer Minna, Kontturi Eero, Isogai Akira, Enomae Toshiharu, Blomstedt Minna, Yuorinen Tapani. Carboxymethyl cellulose treatment as a method to inhibit vessel picking tendency in printing of eucalyptus pulp sheets. Ind. and Eng. Chem. Res. 2009. 48, № 4, s. 1887 – 1892
- 17.Tetsuya Takahashi, Yuji Aso, Wakako Kasai, Tetsuo Kondo. Effekt of light irradiation on the antibacterial activity of compounded papers containing wasted tea leaves. J. Wool Sci. 2010. 56, № 4, p. 299 – 306
- 18.Федотова А. В., Снежко А. Г., Сдобникова О. А., Самойлова Л. Г., Смуррова Т. А., Ревина А. А., Хайлова Е. Б. Упаковияные материалы из природных полимеров, модифицированных наночастицами серебра. Пласт массы. 2009, № 7, с. 42 – 48
- 19.Халед Ш. Состав и свойства биологически активных веществ шрота Glycyrrhizae Radices. Диссертация на соискание ученой степени кандидата химических наук. Казань 2017 150 с
- 20.Шеримбетов И.У, Алимова Д.А., Набиева И.А. Қизилмия илдизидан целлюлоза олиш ва целлюлозанинг сифат кўрсаткичлари тахлили. “Тўқимачилик ипларни чукур қайта ишлашнинг инновацион ечимлари” Ўз ТТИТИ 18-19 октябр 20019 йил б 244-246
- 21.I.A.Nabiyeva. D.A.Alimova , Wang Hua Research on new raw material source for the paper industry. India. International journal of advanced research in science, engineering and technology Vol. 6, Issue 12, December 2019
- 22.Алимова Д. А., Абдумажидов А. А., Миратаев А. А, Набиева И. А. "Изучение возможности использования вторичных ресурсов для композиции писчепечатных видов бумаги" Вестник науки и образования, № 12 (48), 2018, с. 26-30.
- 23.Д.А. Алимова, С.Х. Хасanova, И.А. Набиева, А.А. Миратаев. Изучение возможности получения печатной бумаги на основе местного сырья. Композиционные материалы №3, 2018 С 40-43